



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207 (13.020)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Бозор иқтисодиёти шароитларида муваффақиятга эришиш учун нафақат рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, балки замон талабларига мос равишда товарларни доимий равишда такомиллаштириб бориш муҳим ўрин тутди. "PGS" ишлаб чиқариш корхонасининг тараққиёт йўлига ҳам замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда энг янги техник ечимлардан фойдаланиш замин бўлди.

Бугунги кунда бу ерда ҳам турли компания ва фирмалар, ҳам аҳоли ўртасида катта талабга эга 30 дан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳаммаси эса нон ёпиш учун мўлжалланган кичик новвойхонани чиқаришдан бошланди. Шундай анжомлар билан муваффақиятли рақобатга кириш учун албатта, янги ечимларни топиш керак эди.

Сопол иситиш қувурларидан фойдаланиш тўғрисидаги тақлиф шундай ажойиб янгилик бўлди.

— Гап шундаки, металл иситгичлар юқори узунликка ва паст zichликка эга инфрақизил тўқинларни таратади, — дейди корхона директорининг ўринбосари Дмитрий Гладких, — сополда эса аксинча, тўқин узлиги қисқа, zichлик эса жуда юқори. Айнан мана шунинг ҳисобига хамирнинг яхши тобига келиши, маҳсулотнинг хушбўйлиги ва озиқа моддаларнинг сақланишига эришиш мумкин. Шундай пецда тайёрланган нон, гўёки тандирда ёпилган маҳсулот каби сифатлидир.

Хозирда барча "PGS" кичик новвойхоналарида сополдан ясалган ўзига хос иситиш тизимидан фойдаланилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона мутахассислари томонидан замонавий технологик ишланмалар асосида ишлаб чиқилган кичик новвойхоналар универсал характерга эга. Уларда булка ва патиридан ташқари пирожний ҳамда тортларга қадар бошқа барча нон-булочка маҳсулотларини тайёрлаш мумкин. Масалан, маҳалла ҳудудига ўрнатилган шундай пец ёрдамида бутун аҳолини иссиқ нон, турли пишириллар билан таъминлаш мумкин ва энг муҳими, бу банд бўлмаган ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда жуда асосатди. Ундан фермер ҳўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, пахта йиғим-терими пайтида қачон нон олиб келишаркин, деяр кутиб ўтиришга ҳожат қолмайди.

Агарда тадбиркорларда "PGS" кичик новвойхоналаридан фойдаланиш нияти тўғилган бўлса, унинг бошқа қулайликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мумкин. Кичик новвойхонанинг оғирлиги 145 килограмм бўлгани учун бундай

анжом жуда қулай бўлиб, хонада бир квадрат метрдан ортиқ жойни эгаллайди. Унинг қувватни тежашга имконияти бор ва маҳаллий электр тармоқларига мослаштирилган. Қиёс-лаш учун таъкидлашимиз мумкин: Германияда ишлаб чиқарилган кичик новвойхоналар 15кВт/соат, Россия маҳсулотлари — 20кВт/соатгача, Туркияда тайёрланганлари — 30кВт/соат электр қувватини истеъмол қилса, "PGS" кичик новвойхоналари атиги 8,4 кВт/соат энергиядан фойдаланади. Шунинг баробарида пецларнинг қизиши уч дақиқадан беш дақиқачага вақтни ташкил қилади. Фойдаланиш муддати ҳам юқори, зеро, сополдан тайёрланган иситиш элементи зангламайди, бинобарин, анжомнинг ишлаш вақти узаяди. Дизелетрик модда ҳисобланмиш сопол кичик новвойхоналарининг хавфсиз ишлатилиши таъминлайди.

— Бизнинг кичик новвойхоналарни ишлаб чиқараётганимизга ўн йилдан ошди, — дейди директор ўринбосари Муҳаммадхон Маҳмудов, — Ва шу вақт ичида корхонамизга маҳсулотимиз сифати бўйича бирор марта ҳам норозилик билдирилмади. Буюртмачиларимиз орасида "GM Uzbekiston" қўшма корхонаси "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ДАК, уяли алоқа компаниялари, банк муассасалари, республика Савдо-саноат палатаси ва бошқалар бор.

ПГС-020 кичик пецида ярим соат ичида 32 дона булка, етти дақиқа давомида 16 та патири ёпиш мумкин. Хозирда корхонада янги турдаги ПГС-020/1 ва ПГС-020/2 кичик новвойхоналарини кенг қўламда ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Битта камерали дастлабки кичик кафе ва рестороанларга мўлжалланган, иккинчиси эса жуда кичик бўлиб, қишлоқ жойлардаги 5-6 кишилик оилаларга мос келади. Ушбу янги пецларга ҳам "PGS" ишлаб чиқариш корхонасининг маиший ва саноат иситгичлари, электр қозонлар ва кабоб қўраси, электр сауна ва бошқа анжомлари қатори бир йиллик кафолатли хизмат ҳамда беш йиллик бепул сервис хизмати кўрсатилади.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳаётимизни, оилалардаги маънавий муҳитни, фарзандлар тарбиясини маҳалладан айри тасаввур этиб бўлмайди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни турли зарарли ғоялар, хусусан, турли ёт ғояларнинг таъсиридан ҳимоялаш, уларни касб-ҳунарга йўналтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли катта.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА — ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида 58 маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Уларда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Мазкур ҳамкорлик мактаблардаги таълим сифатини атрофлича таҳлил этиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш, ўқувчиларнинг давоматини ўргатиш, билимларни ўзлаштиришни доимий таҳлил этиб боришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олишга оид ишлар қўламини кенгайтиришда яхши самара бераётди.

Маҳаллаларда "Бир болага етти қўшни ота-она", "Оила — жамиятимизнинг муҳим бўғини", "Оила — маънавият кўргони", "Оила — Ватан остонаси" каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, акциялар, спорт мусобақалари ўтказиб боришмоқда. Бу ёшларни миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда соғлом тафаккурни шакллантириш, оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини, юрт тақдирини учун дахлдорлик туйғусини кучайтириш имконини бераётди.

— Маҳалла маънавият маскани, аҳилилик кўргонидир, — дейди ЎЗА мухбирига "Нихол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нигматилла Иноғомов, — Оила-ларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, жамиятда меҳр-оқибат ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Маҳалламизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, ёшлар таълим-тарбияси, оилаларни мустаҳкамлаш, бандлик масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда фуқаролар йиғини қошидаги комиссиялар ҳамда кекса авлод вакиллари тажрибасидан самарали фойдаланилмоқда.

"Нихол" маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли кўрик-танловлар, спорт

мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этаётгани яхши натижалар бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалла ёшлари иштирокида "Энг яхши китобхон", "Ораста қизлар давраси", "Маҳалламиз маликаси", "Ёш гимнастикачилар" кўрик-танловлари ташкил этилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун туман маданият ва истироҳат боғига саёҳат ташкил этилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Мазкур маҳалладаги нурунийлар, ибратли оилалар вакиллари, ўқитувчилар, шифокор ва ҳуқуқшунослардан иборат "Ота-оналар университети" жамоат тўзимисига фаолияти ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга эид ва зарарли ғоялар, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга хизмат қилмоқда.

— Ҳар бир оиланинг тинчлиги маҳалланинг, маҳалланинг тинчлиги эса юртнинг тинчлигига таъян эканлиги равшан, — дейди Беруний номидagi маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Эргашева, — Маҳалламизда ота-оналар ва ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ташкил этилиб, фарзандларининг таълим олиши, хунар эгаллаши зарурлиги, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида атрофлича тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Маҳалла қошида ташкил этилган хотин-қизлар билан ишлаш ҳамда вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолияти ҳам тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётди. Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллада хунарманд-тадбиркорлар билан ҳамкорликда "устоз-шогирд" анъанаси яхши йўлга қўйилган. "Аъло" гилам тўқиш чеҳида 112 нафар йигит-қизга касб сирлари ўргатилаётган бўлса, "Муҳаммад Исроил" масъулияти чекланган жамиятида маҳалладаги юзлаб йигитларга хунармандликнинг ёғочга ишлов бериш йўналиши бўйича сабоқлар берилаётди.

Шахноза МАМАТУРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда барча йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ғолиблар фестивалнинг мамлакат босқичида қатнашади.

● Андижонда ташқи иқтисодий фаолиятни янада соддалаштириш бора-сидаги божхона қонунчилиги нормаларини амалиётга татбиқ этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Вилоят адлия ва божхона бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тадбиркорлар, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари оиласига мўлжалланган 10 хонадондан иборат яқка тартибдаги замонавий уй-жой фойдаланишга топширилди.

● Нукусда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари родини кучайтиришнинг муҳим вазифаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Андижонда бадий гимнастика бўйича ўқувчи қизлар ўртасида "Камолот" гўнчалари" анъанавий республика очик турнирининг вилоят босқичи мусобақалари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Финляндия келаси йил бошидан Европа Иттифоқининг чегара бўйича агентлиги — Frontex томонидан Ўртаер денгизда олиб борилаётган операцияга қўшилади. Бу ҳақда "Европейская правда" хабар бермоқда. Финляндия чегара кўриқлаш хизмати Ўртаер денгизига Merikarhu патруль кемасини юборади. Операциядан қўзланган мақсад — Грецияга ва Греция орқали Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларига келаётган ноқонуний муҳожирлар оқимини камайтиришдир.

● Германиянинг Callaway Competition компанияси Corvette C7 GT3-R пойга автомобилнинг махсус версиясини намойиш этди. Автомобиль Германиядаги Хоккенхаймринг пойга майдонида синовдан ўтказилди. Манба автомобилнинг техник хусусиятлари ҳақида маълумот бермаган, аммо машина каптои остида ҳажми 6,2 литр, қуввати 600 от кучига тенг двигатель мавжудлиги маълум. Динамик хусусиятлари ҳам ҳозирча сир тutilмоқда, лекин Callaway Competition вакиллари автомобиль улар кутганидан ҳам афзал бўлганини тасдиқлаган.

● Жанубий африкалик олимлар ва талабалар ҳеч қандай ёқилги ёки ёнувчи суюқликларсиз, бир марта сиқилган ҳаво энергияси билан сув (пневмогидравлик) ракетасини ҳавода 830 метргача кўтарашга эришди. Шундай қилиб 2007 йил АКШда ўрнатилган аввалги рекорд (623 метр) ортда қолдирилди. Ракета минимал бюджет асосида оддий деталлардан тайёрланган. Қурилма оғирлиги атиги бир ярим килограмм бўлса-да, борт компьютери, видеокамера, парашют ва ракетани ҳаракатга келтириш тизими билан таъминланган.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар ўтказилди.

"Қишлоқ қурилиш банк" ва "Капитал банк" акциядорлик тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил қилинган тадбирда партия фаоллари, тадбиркорлар ва банк ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни

ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳанинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини янада оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур фармон асосида 2015 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти

тини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Семинарда мазкур қонунга мувофиқ тадбиркорлар манфаатларини қўлаб қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Хусусан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолати биринчи марта содир этилган бўлса ва бунда тадбиркор ўз ихтиёри билан барча зарарни қопласа, жавобгарликдан бутунлай озод қилиниши, савдо қондаларини бузган тадбиркорлик субъектлари иши маъмурий иш сифатида қўриб чиқишлиши белгилангани соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш йўлида муҳим қадам бўлгани таъкидланди.

Партия фракцияси аъзолари ва мутахассислар тадбиркорлик субъектлари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири



Ислом Исмомилов олган сурат

Мамлакатимиз дунёда биринчилардан бўлиб табиий газни ҳисобга олишни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этмоқда.

ТАБИЙ ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШ АВТОМАТЛАШТИРИЛАДИ

Иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётгани газ транспорти инфратузилмасини янада тақомиллаштириш, газ қувурлари тизимидан фойдаланиш самарадорлигини оширган ҳолда, ички ва ташқи истеъмолчиларни газ билан таъминлашни яхшилашни тақозо этмоқда. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси зиммасига юклатилган.

Президентимизнинг 2006 йил 8 августдаги "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, компания газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, табиий газни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш, шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва "зангори олов" учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда компания томонидан 13,7 минг километрик табиий газ қувури ва тармоқларидан фойдаланилмоқда. Улар орқали 4 миллион уй-жой ва қарий 80 минг улгуржи истеъмолчига газ етказиб берилмоқда. Шунингдек, 25 компрессор станцияси, 341 газ тақсимлаш станцияси ва 2 ер ости газ омбори йилнинг исталган даврида "зангори олов"ни барқарор етказиб беришни таъминламоқда.

Компания профилактика ишлари, газ транспорти тизими объектларини техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунинчи, газ қувурларини ташқи томондан занглашдан ҳимоя қилиш мақсадида уч мингга яқин катодли ҳимоя қурилмаси, етти минг километрик электр токи узатиш линияларидан фойдаланилмоқда.

Жорий йилда "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси фаолиятида сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Хусусан, газ секторидан назорат қилиш тизимини жорий этиш ишлари йўлга қўйилди. Мазкур тизим газ бозори очкилигини таъминлаш, энергоресурсларни тежаш ва соҳани халқаро стандартлар даражасига кўтариш имконини беради.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг табиий газни ҳисобга олишни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи раҳбари Шахноза Исмоилова шундан ташқари 55 фойздан ортиқда газни ҳисоблаш асбоблари ўрнатилган. Бироқ, маълумотлар тўплаши бошқариш бўйича замонавий тизимнинг йўқлиги газдан фойдаланиш ва ҳисобга олишни самарали назорат қилиш имконини бермайди. Табиий газни ҳисобга олишни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича

амалга оширилаётган лойиҳа айнан ушбу долзарб масалани ҳал қилишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз дунёда биринчилардан бўлиб ушбу янги технологияни жорий этишга киришмоқда. Бугунги кунда ҳеч бир давлатда ушбу тизим кенг миқёсда жорий қилинаётгани йўқ. Фақат ривожланган давлатлардагина тажриба лойиҳалари амалга оширилмоқда, ҳолос. Мазкур лойиҳани жорий қилишдан кўзланган мақсад, "зангори олов"дан фойдаланишни аниқ, ишончли ва тўлиқ ҳисобга олиш, табиий газ узатишда талафотнинг олдини олиш ва қамайтириш, истеъмолчиларнинг тўлов интизомини таъминлаш имконини берадиган янги электрон ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиш орқали табиий газни ҳисобга олиш тизимини янада тақомиллаштиришдан иборат.

Айни пайтда мутахассислар пойтахтимизнинг Миробод туманида ушбу ускуналарни синовдан ўтказмоқда. Тахминларга кўра, табиий газни ҳисобга олиш назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими Тошкент шаҳри ва вилоятида 2016 йилнинг охирига қадар жорий этилади.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида Тошкент шаҳри ва вилоятида 1 миллиондан ортиқ ҳисоблагич ўрнатиш кўзда тутилган. 2016-2017 йилларда табиий газни ҳисобга олишнинг назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида жорий этилади. 2017-2018 йилларда эса Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида, 2020 йилнинг охиригача Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ушбу тизим амалиётга татбиқ этилади. Мамлакатимиз бўйича жами 3,5 миллионга яқин шундай ҳисоблагич ўрнатилади.

Табиий газни ҳисобга олишнинг назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими таркибига газни ҳисобга олиш ускунаси, маълумот тўплаш, ишлов бериш ва узатиш бўйича ҳамда ахборот технологиялари ёрдамчи тизими, алоҳа линияси ва телекоммуникация қурилмалари кирази. Бугунги кунда "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятида табиий газни ҳисобга олишнинг назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш бўйича тендер эълон қилинди. Ишчи орган манзилига ("O'ztaghineftgaz" акциядорлик жамияти) бир неча компаниялардан "Тошкент шаҳри ва вилоятида табиий газни ҳисобга олишнинг назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш" лойиҳасини амалга оширишга доир тендер савдолари бўйича таклифлар келиб тушган. Айни пайтда ишчи орган томонидан бу борадаги барча зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

**Юксак маънавият —
енгилмас куч**

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

**Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университетида
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон либерал-
демократик партияси томонидан
мамлакатимизда ёшларнинг
интернетдан фойдаланишига доир
социологик тадқиқот натижалари
бағишланган давра суҳбати
ўтказилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказишга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бераётди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Партиянинг "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан амалга оширилаётган "Хавфсиз интернет" лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан миллий ахборот ресурслари сифати, ёшларнинг қизиқиш ва иштиёқини ошириш, интернетдан тўғри фойдаланиш каби мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилиб келинмоқда. Ушбу лойиҳа юзасидан ташкил этилган мазкур тадбирда ёшларни ёт гоа ва иллатлардан асраш, уларни ишончли маълумотлар билан таъминлаш, огоҳлик ва ҳушёрликка қақариш, интернет маданиятини шакллантириш муҳим вазифа эканлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони кундан-кун ортиб бормоқда. 2007 йилда бир миллион киши интернетдан фойдаланган бўлса, жорий йилга келиб бу кўрсаткич ўн миллиондан ошди. Интернетдан фойдаланувчиларнинг асосий қисmini ёшлар ташкил этаётгани янада огоҳ бўлиш лозимлигини аълоқлаштиради.

Бугун дунё ягона ахборот маконига айланган, дейди социолог Собир Ҳўжаев. – Интернет орқали кириб келаётган ахборотлар, айниқса, ёшлар онгини қамраб олаётди. Ёшларни хавфли таъсирлардан ҳимоялашга барчамиз масъулмиз. ЎзЛиДеП ва университетимиз социологлари ёшлар орасида социологик сўров ўтказди. Икки мингдан зиёд йигит-қизлар иштирок этган сўров натижалари юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ахборот-коммуникация ютуқлари оммалашиб, ёшлар интернет тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланаётганини кўрсатди. Сўровда қатнашганларнинг 91,7 фоизи интернетдан фойдаланишни таъкидлаган. Уларнинг ярми мобил телефон, учдан бир қисми шахсий компьютер орқали ҳамда ҳар олтинчи иштирокчи интернет-кафе хизматидан фойдаланар экан. Сўров натижаларига қараб ёшларни кенгроқ жалб этган ҳолда янги лойиҳалар, ишланмалар яратиш ниятимиз бор.

Давра суҳбатида интернет-кафеда фаолиятга ҳам муҳомама этилди. Ёшларнинг жавоблари интернет-кафеда глобал тармоқдан фойдаланишга доир қоидаларга амал қилишини кўрсатмоқда. Аммо бу борада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Интернет тармоғидан оммавий фойдаланиш жойларида жамоатчилик назоратини қўлайитириш, унинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фикрлашилди.

Бундай давра суҳбатлари биз ёшларни интернетдан тўғри фойдаланишга, вақтимизни фойдали ишларга сарфлашга ундайди, дейди ЎЗМУ талабаси Нилуфар Раҳмонова. – Аслида тез ва арзон ахборот олиш, уни қайта ишлаб, етказиб беришда интернетга тенг келадиган манба топилмайди. Фақат ёшларнинг маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган сайтларга кириши, ахборот олиш маданиятини қўлайитиришимиз зарур.

Тадбирда интернет тармоғидан фойдаланувчиларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, айниқса, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш ҳамда уларда халқаро тармоқ орқали кириб келаётган салбий ғояларга қарши иммунитетни қўлайитириш масаласига эътибор қаратилди.

**Ёшларга оид давлат
сиёсати — амалда**

ГЛОБАЛ ДУНЁДА АХБОРОТ ОҚИМИ

**Тошкент давлат техника
университети қошидаги компьютер
технологиялари академик лицейида
Ўзбекистон "Адолат" социал-
демократик партиясининг Тошкент
шаҳар кенгаши томонидан "Глобал
дунёда ахборот оқими" мавзусида
давра суҳбати ўтказилди.**

Партия фаоллари, ўқитувчи ўқувчилар иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёшларни ахборот хуружлари ва ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг маънавий иммунитетини бойитиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бугун ёшлар мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиб боришни истади. Бу эҳтиёж ўз вақтида тўлдирилмас экан, албатта маънавий бўлиш пайдо бўлиши шубҳасиз. Фарзандларимизни буюк алломаларимиз ҳаёти ва илмий мероси, халқимиз маънавияти, оилаларимизда амал қилинадиган тартиб-қоидаларга, ота-онага ҳурмат руҳи асосида тарбиялашга қаратилган ахборот билан таъминлаш, шў асосда уларнинг онгу қалбида жамиятимизга ёт ғояларга нисбатан мафқурувий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан мамлакатимиздаги кўплаб касб-хунар коллежлари, лицейлари, олий таълим муассасаларида ана шундай мазмундаги тадбирлар уюштирилмоқда.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

(ЎЗА)

КИЧИК БИЗНЕС ВА ИШБИЛАРМОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг миқёсда раванқ топиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, тадбиркорлар учун солиқ ставкаларининг туширилиши, янги солиқ имтиёзларининг жорий этилиши ҳамда рўйхатдан ўтиш ва ҳисоботларни топшириш механизмининг соддалаштиришга катта эътибор берилмоқда.

2015 йил 1 апрель ҳолатига Учтепа туманида 4616 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 4111 таси кичик бизнес вакиллари. Туман саноат корхоналари томонидан турли хилдаги озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари, машинасозик, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 14,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида туман иқтисодиётида барқарор ўсиш суратлари таъминланди.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳани ривожлантиришда янги бир босқич бўлди. Фармон мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида туман ҳокимлиги, прокуратура, ДСИ ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир неча учрашувлар ташкил қилинди.

Бу учрашувларда Президентимиз Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар, қўйлаётган ўзгариш ва янгиликлар тушунириб берилмоқда, дейди Учтепа тумани ҳокими ўринбосари С. Ғиёсов, — солиқ ставкаларининг туширилиши, Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар, коллеж битирувчиларига берилаётган имтиёзлар, рўйхатдан ўтишда қўллаб-қувватлаш афзалликлари ҳақида сўз юритилаётди.

Эндиликда туман ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олувчи ва руҳсат берувчи органлар ҳамда улар фаолиятига алоқадор бўлган идоралар вакиллари иштирокида керакли маълумот ва маслаҳатларни бир жойнинг ўзида

бериш "бир дарча" тамойили орқали амалга ошириш таъминланган. Туманда янги иш ўринлари яратиш дастурига асосан йил охиригача 8544 та иш ўрни, қўшимча дастур бўйича 9612 та, жами 18 минг 156 та иш жойи яратиш устида жиддий ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш, тижорат банклари кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратадиган кредитлари, яқна тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш ҳисобга олинади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тумандаги 5 та корхонанинг 6 та лойиҳалари бўйича маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу кўрсаткичлар ҳозирги кунда бизни қониқтирмайди, дейди туман ҳокими ўринбосари С. Ғиёсов, — туманда салоҳият ва имкониятларимиз етарли, ҳозирда барча саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўрганиш ўтказилиб, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турларини маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича лойиҳа паспортлари шакллантирилмоқда.

Тумандаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Зебуннисо она" корхонаси 1995 йили хусусий корхона сифатида иш бошлаганди. 2008 йилга келиб юридик шахс мақомини олди.

Айни пайтда корхонамизда юзга яқин ишчилар меҳнат билан банд, дейди бош менежер Ф. Холмуҳамедов, — хориждан келтирилган замонавий технологиялар асосида 50 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, экспорт ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, шахримизнинг бошқа туманлари қатори Учтепа туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси йилдан йилга ривожланмоқда. Уларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши, янги иш ўринлари яратишдаги роли ортиб бормоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонини янада кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Зокиржон КЎЗИБОВ

Пойтахтимизда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши Олмазор туман "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Ички ишлар бўлими, Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида "Одам савдосига қарши кураш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзусида тадбир ташкил этилди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши кураш шамарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Вазирлиги Кенгашининг 2015 йил 31 мартдаги мажлиси баёни билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури" ижросини таъминлаш, одам савдосига қарши курашдан иборатдир.

Тадбирда сўз олган Олмазор туман "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ш.Мирзажонов томонидан шаҳарча ҳудудида жойлашган ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, талабалар турар жойларида тизимли равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилаётгани айтиб ўтилди. Ёшларнинг одам савдоси қурбони бўлиши, ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда жабрланишининг олдини олишда барчанинг бирдек масъул эканлиги таъкидланди. Бу каби тадбирларда аҳоли ва ёшлар, таълим муассаса-

лари, ўқувчи ва талабалар, ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобда турувчи шахслар орасида гийёҳвандликнинг хавфи ва унинг оқибатларига қарши курашиш, ушбу муаммо билан одам савдоси муаммосининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида маълумот берилаётгани, огоҳлик давр талаби эканлиги яна бир бор эслатиб ўтилмоқда.

Жиноятчилик, одам савдоси, гийёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда глобал муаммога айланди, дейди "Қамолот" ЕИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Зиёдулла Саъдуллаев. — Мазкур муаммоларнинг шунчаки йўқ қилиниши эмас, керак бўлса илдири билан сугуриб ташлаш, соғлом муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш энг олий мақсадларимиздан биридир.

Ўтказилган тадбир талаба-ёшларнинг Ватани, халқига, ота-онасига бўлган меҳр-оқибатини қанчалик оширган бўлса, ушбу кун уларнинг айрим тенгдошлари томонидан тинч ва осуда ҳаётимизда қилинаётган тажовузулар, ҳар хил диний оқимларга аралашиб ўз йўлини йўқотган кимсаларнинг ёт ғоялари оқибатида юзга келаётган ноҳус ҳолатларга нафрат уйғотди.

Зиёда РАСУЛОВА



Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати, унга инсонларнинг таъсири ва муҳофаза қилиш, шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланишни баҳолаш механизми ёки кенг маънода умумлаштирилган интеграл таҳлили сўнгги йилгига йилда катта оқимлар билан ривожланди. Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳавфсизлик сиёсати Конституция, амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик концепцияси, атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург декларацияларининг таъминоти асосида халқаро конвенциялар ва шартномалардан ҳамда етакчи давлатларнинг қонунчилик ҳосилидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Ўзбекистон, барча собиқ иттифоқ давлатлари каби, ишлаб чиқариш учун катта миқдорда энергия ва материаллар сарф этишни талаб қиладиган, маънавий эскирган ва атроф-муҳитни ифлослантирадиган жиҳозлар ҳамда технологияларга эга иқтисодиётни мерос қилиб олди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида макроекологик режалаштиришнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати билан оптимал уйғунлашуви ва унинг ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларда юришга таянган сиёсат билан ҳамоҳанг бўлиши биринчи даражада муҳим вазифа бўлиб қолди. Республика экологик сиёсати табиатнинг алоҳида унсурларини ҳимоя қилишдан экотизимини умумий ҳимоялашга ўтишга, инсон ашайдиган муҳитнинг ҳаёт кечирishi учун қулай ҳаёт шартларини кафолатлашга йўналтирилган. Бундай экологик сиёсатнинг амалга оширилиши халқ ҳужалиги мажмуаси, умуман, жамиятнинг барқарор ривожланиш шартларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати натижаларидан бири инсон саломатлиги учун юқори даражадаги ҳавфга эга ҳудудларда атроф-муҳит сифатини яхшилаш ва экотизимни барқарорлаштиришдан иборатдир.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикасида табиатдан оқилона фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш давом эттирилмоқда. Ўзбекистонда халқ қилиниши зарур бўлган биринчи навбатдаги вазифалар экологик муаммоларнинг мураккаб ўзвий боғлиқликлар ва уларнинг кўп жиҳатдан тармоқлараро тусга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Сув табиатда содир бўладиган асосий жараёнларда, шунингдек, инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Саноатда сув

хомашё ва энергия манбаи, совитувчи ёки иситувчи, эритувчи, экстрагент, хомашё ва материалларни ташувчи восита сифатида ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатилади.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва бошқарушни таъминлаштириш соҳасида қуйидагиларни назарда тутиш зарур:

- суддан лимитли фойдаланиш асосида уни тежаш, ер усти ва ер ости сувларини муҳофаза қилиш;
- мавжуд суддан фойдаланиш тизимларини қайта тиклаш ва қайта жиҳозлаш;
- саноат оқава сувларини тозалашнинг самарали индустри-

кимевий эҳтиёж) кўрсаткичларининг маълум миқдорларига мос келиши керак.

Саноат корхоналарида фойдаланилаётган сувлар турли моддалар билан ифлосланиши натижасида яроқсиз ҳолга келиб қоляпти. Ушбу оқава сувларини маҳаллий тозалаш иншоотини ўрнатish ҳисобига етарли талаб даражасигача тозалаб қайтадан шу корхонанинг ўзидан фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобига суддан ёпиқ занжирли тизимда фойдаланишга эришиш мумкин.

Биологик тозалаш жараёни турли турт бурчак шаклидаги турт секцияли азотенкларда фаол лойка иштирокида олиб борилади. Азотенклар мавжуд технологияларга асосий қурилмалар, яъни реактор-коагулятор ва вертикал тиндиргичлардан кейин жойлаштирилади. Азотенкда тозаланган оқава сув иккиламчи тиндиргичга берилди ва у ерда фаол лойка суддан ажратиб олинади. Фаол лойканинг керакли миқдори стабилизаторда ҳаво ёрдамида регенерацияланиб, сўнг азотенкка қайтарилади, ортқича қисми эса лойка майдончаларида қуритилиб, ўғит сифатида фойдаланишга берилди.

Ушбу биологик усулнинг амалдаги технология схемаси киритилиши катта маблағ талаб қилмайди ва айланма ҳаракатга киритилаётган сув миқдорининг ортishi ҳисобига тоза сувни тежаш ҳамда сув ҳавзасига ташланаётган сувнинг талаб нормаларига етказилиши ҳисобига иқтисодий самардорликка эришиш имкониятини яратди.

Биологик тозалаш қурилмасида микроорганизмларнинг ривожланиши учун етарли даражада ҳаво ва уларга озуқа ҳамда яшаш муҳити вазифасини бажарувчи зарур миқдордаги фаол лойка таъминланиши керак. Бунинг учун тозалаш жараёнининг оптимал шароитлари аниқланди:

- температуралар интервал - 20°-30°С;
- муҳитнинг рН-кўрсаткичи - 6,0-8,0;
- фаол лойканинг миқдори - 4г/м³;
- сувни аэрациялаш вақти - 2,5-3,0 соат.

Шундай қилиб, оқава сувларининг қўшимча биологик тозаланиши ҳисобига суддаги эриган органик ва минерал моддалар ҳамда елим моддаси тегишли микроорганизмлар таъсирида тулқ парчаланиб сувнинг тулқ тозаланишига ва корхонада суддан ёпиқ занжирли тизимни ташкил қилишга эришилди.

И.МУСЛИМОВ,
Ф.ФАТХУЛЛАЕВ,
давлат инспекторлари

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СУВДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

ал усуллари, сувни тежайдиган технологияларини татбиқ этиш ва суддан ёпиқ занжирли тизим асосида фойдаланишни йўлга қўйиш;

— мониторинг ва ахборотлаштириш тизимларини ташкил қилиш, таъминлаштириш ва жорий этиш.

Технологик жараёнда ишлатиладиган ҳамда айланма ҳаракат тизимидagi сувнинг сифати юқори бўлиши керак. Сувнинг сифати дегадда, унинг саноат корхонасида ишлатилиши мумкинлигини таъминловчи физик, кимевий, биологик ва бактериологик кўрсаткичлари йиғиндиси тўғрисида. Базан таркибда туз миқдори 10-15 г/м³, қаттиқлиги 0,01 моль/эв./ м³ дан юқори бўлмаган ва оксидланиши 2г О₂ / м³ га тенг бўлган сув керак бўлади. Корхоналарда тоза сув сарфини камайтириш мақсадида айланма ва ёпиқ тизимли сув таъминоти ҳосил қилинади. Айланма сув таъминотида оқава сувларни зарурий тозалаш, айланма сувни совутиш, ишлов бериш ва такоррий ишлатиш кўзда тутилди. Айланма сув таъминотини қўллаш табиий сув сарфини 10-15 марта қисқартиради. Айланма сув карбонат қаттиқлик, рН, муаллақ зарарчалар ва биоген элементлар, КВКЕ (кислородга бўлган

“ТОЗА ҲАВО” ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил декабрь ойида қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунининг 11-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бош бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида қириб келадиган 5 та йирик “Эркин”, “Шарқ”, “Уч қаҳрамон”, “Турбанов” ва “Бектемир” постларида 2015 йилнинг 10 сентябрдан 10 октябргача “Тоза ҳаво” тадбирининг 2-босқичи ўтказилди.

Ушбу тадбирда кўмита қошидаги Махсус аналитик назоратга иқтисослашган лабораторияси ҳисобидаги “Та-зоанализатор” ҳамда “Димомер” асбоблари орқали бензин, дизель ва газ ёқилгисига ишлаган мулкдорларнинг автотранспортлар қуридан ўтказилди. Газоанализатор ҳамда тузун улча-ғи асбоблари Давлат стандартларидан ўтган бўлиб махсус сертифици-катларга эга.

Хар бир постда ўртача бир кунда 100 тадан ортқ автотранспортлар текширилди.

Агарда текширув натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами ав-

тотранспортлардан атмосфера ҳаво-сига давлат стандартига асосан бел-гиланган 3,5/2,0 меъёридан ортқича зарарли газларни ташлаётган автотранспортлар 7 фоизни ташкил қил-моқда.

Ушбу кўрсаткич 20 йил олдин 25 фоиздан иборат бўлган. Кўрсаткич-нинг яхшиланилигининг асосий са-бабларидан бири юртимизда “ЕВРО-3” давлат стандартлари талабига жа-воб берадиган автотранспортларнинг ишлаб чиқарилаётганлигидир.

Шаҳримиз атмосфера ҳавосининг зарарли газлар билан умумий иф-лосланиш даражасини оладиган

бўлсак, атмосфера ҳавосига ташла-надиган жами зарарли моддалар ва газларнинг 90 фоиздан ортқи автотранспортларга тегишли ҳисобла-нади, шу сабабдан ҳам “Тоза ҳаво” тадбири жуда катта аҳамиятга эга.

Тадбир жараёнида атмосфера ҳаво-сига белгиланган меъёрдан ортқича зарарли газларни чиқариётган автотран-спортларнинг ағаларига ўз вақтида автотранспортнинг соҳ ҳолатга келтириш-лари тўғрисида тавсия ва кўрсатмалар берилди, белгиланган меъёрни қўпол равишда, яъни жуда кўп миқдорда бузган автотранспортлар Йўл патрул хизмати ходимлари томонидан “автотранспортларни вақтинчалик жарима майдонига қўйиш шохобчалари”га олиб бориш ҳолатларига сабаб бўлди.

Хар биримиз, атроф-табиий муҳит-га эҳтиёткорона муносабатда бўли-ш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз. Шун-дагина биз келажикда ёш авлодлар-га мусаффо ҳаво ва она табиати-мизнинг гўзал манзараларини асл гўзаллигича қолдирган бўламиз.

Азизбек КАЛИМБЕТОВ,
Ахборот ва тарғибот бўлими бошлиғи



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Давлат инспекцияси инспекторлари томонидан Тошкент шаҳрида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича назоратни таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларида ва давлат бюджетли ҳисобидан молиялаштирилаётган ташкилотларда режалар ва назорат тартибидagi текширувлар, рейдлар ҳамда мониторинглар мунтазам равишда ўтказиб боришмоқда.

ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ

Жумладан, Юнусобод тумани бўйича 2015 йилнинг биринчи чорағида бта тадбиркорлик субъектларида ҳамда 14та давлат бюджетли ҳисобидан молиялаштирилаётган ташкилотларда режалар текширувлар ҳамда аҳоли му-рожаатлари асосида бир қатор рейд ҳамда мониторинглар амалга оширилди. Ҳовли-жойли уйлар ва кўп қаватли уйлар атрофида ўтказилган рейдлар натижасида айрим ҳудудларда маъиш ва ўзга чиқиндиларни, қурилиш чи-қиндилари, шох-шаббалар ва ҳудудларни тозалаш нати-жасида йиғилган қуриган ўт-ўланларнинг белгиланмаган жойларга ташланганлиги, айрим ҳолатларда эса улар-нинг ёқиб юборилганлиги ҳолатлари аниқланди. Шунинг-дек, корхона ва ташкилотларда олиб бориладиган текширув-лар натижасида ишлаб чиқариш ва қаттиқ маиший чиқин-дилар табиатни муҳофаза қилиш талабларига зид равиш-да жойлаштирилганлиги, автотранспортлар дамгате-ларидан ишлаш жараёнида атмосфера ҳавосига зарарли

газлар белгиланган меъёрлардан ортқича ташланаётган-лиги, таркибда симоб моддаси бўлган, ишдан чиққан люминесцент лампалар табиатни муҳофаза қилиш талаб-лари асосида ўз вақтида утиллаштириш учун топширил-маганлиги каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқ-ланди. Ушбу қамчиликларни бартараф қилиш ва Ўзбекис-тон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қонунчили-гининг талабларини тўлиқ бажарилиш юзасидан кўрсат-малар бериб келинмоқда.

Маъжур текширувлар, рейд ва мониторинглар давоми-да мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекис-тон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қонунчили-гининг талаблари бўлишни ҳолатлари бўйича улар Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85, 87, 88, 91-моддалари бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.

Умар АБДУЛЛАЕВ,
давлат назир

Мутахассис маслаҳати

БОТУЛИЗМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Барча фасллар қатори кузнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Одамлар ишдан чарчаб келиб, телевизор қаршида ўтириб дам оладилар ва турли таомлардан тановул қиладилар. Айниқса, мева ва сабзавотлардан тайёрланган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон организмга жуда фойдали.

Аммо баъзи-баъзида консервалланган маҳсулот-лардан зарарланганлар қулғимизга чалиниб қола-ди. Бу бежизга эмас. Чунки консервалланган маҳсу-лотларни истеъмол қилиш оқибатида ботулизм ка-саллиги юзага келиши мумкин. Ушбу маҳсулотлар-га ҳар хил салатлар, баклажон ва сабзавотлардан тайёрланган икра, бодринг ва помидор тузламала-ри, қўзиқориндан тайёрланган маҳсулотлар, дудлан-ган балик ва колбасалар кирди.

Касаллиқнинг кўзгатувчиси (микроб) ташқи муҳит-да, асосан, туپроқда бўлади. Микроб туپроқ орқали сабзавот, қўқатларнинг ташқи қаватига жойлашади. Ўзи эса ҳимоя қавати (спора) билан ўраб олинган бўлади. Спора микробнинг атроф-муҳитга чидамли-лигини таъминлаб беради. У беш соат қайнатилса ҳам нобуд бўлмайди. Ботулизм таёқчаси спора қўри-нишида консерваланаётган банкаларга тушади. Кис-лородсиз жойга тушиб қолган ботулизм таёқчаси учун унинг яшаб, қўпайиб ва ўзидан захар ажратишига бу шароит жудаям қўл келади. У ўзининг спорасини, яъни ҳимоя қаватини ечиб, ўзидан захар (ботулоток-син) ажратиб чиқара бошлайди. Ботулотоксин кон-сервалланган маҳсулотнинг на рангини, на мазасини ва ташқи қўриқини ўзгартирмади. Захар фақатти-на кислородсиз шароитда ҳосил бўлиб, у асосан ис-сиқлик ва спирт таъсиридагина зарарсизланади.

Ботулотоксин билан зарарланган озиқ-овқат маҳ-сулотлари инсон организмга тушганидан кейин ош-қозон-ичак йўлида сўрилиб, асаб тизимини шикаст-лаб ишдан чиқаради. Истеъмол қилинган маҳсулот-ларда қанчалик кўп захар бўлса, касаллиқнинг бел-гилари шунчалик тез кучини кўрсатади. Касаллиқ-нинг белгилари қуйидаги ҳолларда намоён бўлади.

- беморда камқувватлик пайдо бўлиши;
- кўнгил айниб, қайт қилиш;
- қорни оғриб бир-икки мартаба ич кетиши.

Лекин бу белгилар касаллиқнинг биринчи ва ик-кинчи кунларида ўз кучини кўрсатиб, бу ҳолат ҳамма беморларда ҳам қузатилмаслиги мумкин. Кейинги асоратлар эса жуда ҳам хавфли. Булар: беморнинг кўриш қобилияти сустлашиши, кўз олдида туман пайдо бўлиши, нарсаларнинг қўзига иккита бўлиб қўрилиши, қовоқларнинг очилмай қоллиши, овознинг чиқмай қоллиши ва умуман ўзгариб кетиши, юти-нишнинг қийинлашиши ёки умуман ютина олмай хаттоки суюқлик ҳам ича олмай қоллиш ҳоллари, на-фас олиш органларининг фаъаллашиши натижаси-да нафас олишнинг қийинлашиши, юрак қон-то-мир тизимида ўзгаришлар пайдо бўлиши ва ҳока-золар. Агар ўз вақтида шифокорга мурожаат қили-ниб, махсус зардоб юборилмаса, касаллик жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Касаллиқнинг олдини олишда ҳар бир уй бекаси ва консервалланган маҳсулотни истеъмол қилаётган ки-шилар, аввало, ботулизм ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозим. Мўҳими, ботулизм таёқчаси беш соат қайнатилганида ҳам нобуд бўлмаслиги, кисло-родсиз шароитда ўзидан захар ажратиши ва яхши ювилмаган, уринган, эзилган сабзавот ва қўқатлар орқали идишларга тушишини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Консервалаш учун энг биринчи янги узилган, уринмаган, эзилмаган маҳсулотларни танлаш мақса-да мувофиқ бўлади. Сабзавот ва қўқатларни битта-лаб яхшилаб ишлаб, оқар сувда ювиш керак. Шунда-гина сабзавот ва қўқатларда ботулизм таёқчалари-нинг йўқолганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Яна шунини таъкидлаш жоизки, катта-катта идишларда (боч-каларда) ҳар хил тузламалар тайёрлаш тавсия этил-майди. Чунки катта идишнинг энг пастки қисмларида кислородсиз жойлар бўлиши мумкин. Бу эса туپроқ зарарлари билан спора тушиб қолган бўлса, касал-ликни юзага келтиради. Тайёр маҳсулотнинг сувини иложи борица ичмаслик керак. Чунки захар миқдори кўпична сувида бўлади. Сабзавотлардан тайёрланган икраларни эса камда бир соат мойибдида қизди-риб олиш даркор, шундагина захар зарарсизланиши мумкин. Бундан ташқари консерваланиб тайёрланган маҳсулотларни ҳар қандай жойда истеъмол қилмас-лик жоиз. Фақатгина ботулизм касаллиги ҳақида маъ-лумотга эга бўлган уй бекалари тайёрланган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва табиий статистика институти директори ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ху-сусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бар-тараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фар-мони тадбиркорликнинг янада ривожланишига ҳисса қўшувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 14 октяб-ри кунини соат 15.00 да Юнусобод туманида жойлашган Тошкент Ахборот технологиялари университети-нинг катта залида тегишли вазирликлар, Тошкент ша-ҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ишти-рокида кенгайтирилган учрашув ташкил этилади. Учрашув давомида “Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорликни ривожлантириш” масаласи бўйича тадбиркорлар тадбиркорликнинг ривожланишига тўсиқлик қилаётган масалалар ва тадбиркорлар бугунги кунда дуч келаётган муаммолар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олиш-лари мумкин. Ушбу кенгайтирилган учрашувга тума-нинидаги барча тадбиркорларни таклиф этамиз.

Юнусобод туман ҳокимлиги

Спорт янгиликлари

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ
ИШТИРОКЧИЛАРИ

Баҳрайнда 2016 йили ўтказиладиган ўн тўққиз ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг барча иштирокчи терма жамоалари номлари маълум бўлди.

Хабарингиз бор, Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралашини муваффақиятли ўтказди ва 3 та ўйинда 3 та галабани қўлга киритиб йўлланма соҳибига айланди.

Эндилликда, қолган тўққизта гуруҳда ғолиб чиққан термалар ҳамда иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ичида энг яхши кўрсаткичга эга яна беш омадли жамоа номлари аниқланди.

Шундай қилиб, вакилларимиз билан бирга Осиё чемпионатида йўлланма олган 15 та терма жамоа билан танишинг: мезбон тарихида Баҳрайн, араб давлатларидан Саудия

Арабистони, Катар, Ироқ, Яман, Бирлашган Араб Амирликлари, шунингдек, Эрон, Тожикистон, Австралия, Шарқий Осиё минтақасидан Жанубий Корея, Шимолий Корея, Хитой, Япония, Вьетнам ҳамда Таиланд.

Саралаш ўйинларини кузатиб борган осийлик мутахассислар фикрига кўра Жанубий Корея, Шимолий Корея, Япония, Ўзбекистон, Австралия ёшлари мусобақада юқори ўринлар учун кураш олиб боришлари кутилмоқда. Бундан ташқари, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ термалари ҳам мазкур ёш тоифасида мунтазам равишда гуруҳдан чиқиш вазифасини урда-лашини унутмаслик лозим.



ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Яккасарой туманидаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида пенчак-силат бўйича Ўзбекистон кубогини мусобақалари ўтказилди. Унда юртимиздаги умумтаълим мактабларининг 8-16 ёшдаги 150 нафар ўқувчилари ўзаро куч синашди.

Икки кун давомида беллашув иштирокчилари пенчак-силатнинг "танзинг", "тунгал" ва "секопасанг" йўналишларида бахса қилишиб, яқка тартибда комплекс машқларни ижро этиш маҳоратини намойиш қилдилар. Ўзбекистон пенчак-силат федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу мусобақа 10-16 ёшдаги умидли спортчилар орасидан жорий йилнинг декабрь ойида Малайзияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатидаги муносиб номзодларни саралаш имконини берди.

— Бўш вақтимда спорт залига ошмаман, — дейди мусобақа ғолиби Сергели туманидаги 301-умумтаълим мактабининг

болангич синф ўқувчиси Лобар Раҳматжонова. — Пенчак-силат спорт турининг сир-асрорларини "Камолот" спорт мажмуасида мураббийим Тоҳир Эргашевдан янада пухта ўрганиб, жаҳон чемпиони бўлиш ни мақсад қилганман.

Яқунда умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти жамоаси учинчи, самарқандлик ўқувчилар иккинчи ўринни қўлга киритди. Пойтахтимиз жамоаси шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан кубок, медал ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси
СУРАТДА: мусобақадан лавҳа

Бугунги кунда мамлакатимизда йигирма тўрт мингта яқин доменлар рўйхатга олинган бўлиб, улар орасида спортга ихтисослашган кўплаб интернет нашрлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

СПОРТ ЙЎНАЛИШИ
НОМИНАЦИЯСИНИНГ ҒОЛИБИ

Интернет тармоғидаги мазкур веб-сайтлар орасида ахборот муҳитини тарғиб қилиш, интернет журналистлари меҳнатини муносиб баҳолаш мақсадида "МТ.uz — 2015" Миллий интернет танлови ўтказилганлигидан хабарингиз бор.

Ушбу танловда спорт йўналиши бўйича алоҳида номинация ташкил этилган бўлиб, унда юртимиздаги спортчилар, мураббийлар, соҳа вакиллари ҳамда минглаб спорт мухлисларининг сеvimли веб-сайти — "www.uff.uz" ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринга қизиқарли интервьюлар, таҳлилий мақолалар, тезкор ахборотлар тақдим этиб кундан-кунга ўз ўқувчиларини топиб бораётган "www.sports.uz" интернет нашри лойиқ қўрилган бўлса, учинчи ўрин "www.fcb.uz" сайтига насиб қилди.

Энг муҳими, спорт журналистлари ҳамда блоггерлар ўз меҳнатлари самарасини кўриб бундай юксак эътирофдан қалблари фаҳрга тўлди.

Ботир ХҲАЕВ

ТЕНГДОШЛАРИГА НАМУНА
БЎЛИШАДИ

Чилонзор туман ҳокимлигида 2015-2016 ўқув йили учун жамоатчи, аълочи ҳамда ўзининг намунали хулқи билан барча тенгдошларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ ўқувчиларни "Камалак" болалар ташкилоти сафига аъзоликка қабул қилиш маросими ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ҳокимлигидаги "Камалак" болалар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда туманда жойлашган 33 та умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабларнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда аълочи ва жамоатчи 10 ёшга тўлган ўқувчилар, "Камалак"

ва "Камолот" сардорлари, Сардорлар Кенгаши аъзолари иштирок этишди.

— Ўтказилган тадбир туманимиз ёшлари қалбида мангуга муҳрланди десам муболага бўлмайди, — дейди туман "Камалак" болалар ташкилоти раиси Ҳасан Нарзиёев. — Ўғил-қизларнинг Ҳаракат сафига кириш қасамёдини қабул қилиш жараёнида аъло болаларга ўқиш, тинмай долаш, бошқа тенгдошларига до-

лий кўмаклашиш учун берган ваъдалари сўзимнинг исботидир.

"Камалак" аъзоси" тадбири давомида 300 нафар 10 ёшга тўлган умумтаълим мактабларининг 4-синфида тахсил олувчи аълочи ва жамоатчи ўқувчилари тантанали равишда қасамёди қабул қилишди. "Камалак" болалар ташкилоти аъзолигига қасамёди қабул қилган ўқувчиларга Чилонзор туман "Камалак" болалар ташкилоти томонидан аъзолик кўрак нишонлари тақдим этилди.

Тадбирда шоир ва ёзувчиларнинг дил сўзлари, эл севган санъаткорлар, болалар ижодиёт фестивали ғолиблари томонидан намойиш этилган бадий дастур йиғилганларга манзур бўлди.

Зарина РУСТАМОВА

"102" хабарлари

КИРДИКОРЛАРИ ФОШ ЭТИЛДИ

Сергели туманининг 8А-даҳасидаги уйларнинг бирининг олдида бир аёл киши у ёқ бу ёққа олазрак боқарди. Унинг олдида бир эркак келиб, иккаласи нималарнидир гаплаша бошлади. Эркак аёлга пул узатди, аёл эса афрога алангалаган ҳолда қўлидаги нарсани берди ва иккиси ҳеч нарсаси кўрмагандай, ўз манзиллари томон рағбон бўлишди.

Аммо уларнинг йўлини ички ишлар идоралари вакиллари тўсишди ва ҳолис-лар иштирокида тинтув ўтказилди. Шунда 1978 йилда таваллуд толган, ўзини О.Туронов деб таништирган кимсанинг ёнидан гиёҳванд моддасига ўхшаган нарсаси топилди. 1973 йилда туғилган Д.Савриевадан эса гиёҳвандлик моддаси эвазига олинган 600000 сўм пуллар ашёвий далил сифатида олинди. Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт криминалистика марказининг хулосасига кўра фуқаро О.Туроновдан олинган нарсаси 9,45 граммга тенг марихуана гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланди.

Шайхонтоҳур туманидаги "Чорсу" бозоридаги дўконларнинг бирининг олдида кетаётган Феруз исмли йигитчанинг қўлидаги "iPhone-4S" уяли телефони бир кимсанинг эътиборини тортди. У зимдан кузатиб юрарверди ва фуқаро туғилди дегунча Ферузнинг телефон апаратида чанг солди ва яшин тезлигида ғойиб бўлди.

Шохрух уйдан чиқиб, бозор томон йўл олди. Шу пайт унинг телефони жиринглаб қолди ва гаплаша бошлади. Сўзлашув тугаганидан сўнг, бегона бир йигит унга яқинлашди ва қўлидаги "Нокия-110" русумли уяли алоқа телефонини олиб олиб кетди.

Жуда тез фурсатда содир бўлган бу воқеани кутмаган Шохрух эсанкираб қолди. Лекин тезда ўзига келиб "102"га сим қокди. Орадан бир соат ҳам ўтмасдан ушбу қўлимини содир этган шахс — 1995 йилда Қашқадарь вилоятида таваллуд толган Воҳид исмли кимса ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Аммо унинг мақсади амалга ошмади. Хали узоққа кетиб улгурмасидан ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Тергов-суриштирувлар натижасида ушбу шахсининг 1981 йилда Тошкент вилояти Зангиота туманида таваллуд толган Ж.Элмуродов эканлиги аниқланган.

У у ёқ, бу ёққа қаради. Барчанинг кўзини шамғалат қилиб қочиб кетишга тушди. Савдо мажмуасидан чиқиб олганидан

сўнг, "Хайрият ҳеч ким билмади" деган эди, бироқ ундай бўлмади. Ички ишлар ходимлари уни қўлга олишди. Сунбуланинг олган нарсаларининг нархи 300000 сўм эканлиги маълум бўлди. Энди унинг қилмишир кунун доирасида муҳокама қилинади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси тезкор хабарлари асосида Сарвар СОБИРОВ тайёрлади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

20 ЙИЛЛИК ВАКТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

"Respublika mulk markazi" АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мўлқдор бўлиш истагидида барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устас фондидидаги улушлари, автомобилотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга тақлиф этади.

"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдо ДУК "Тошкент метрополитени"нинг 9.10.2015 йилдаги 24-сонли буюртманома хатига асосан Тошкент метрополитенига тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 93-А-йи манзилида сақланаятган қўлидаги автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "Краз" русумли, давлат рақами 01/509 ZBA бўлган, 1977 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 46 808 000 сўм.
2. "Газ-53" русумли, давлат рақами 01/921 ZBA бўлган, 1978 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 762 300 сўм.
3. "Зил-130" русумли, давлат рақами 01/543 ZBA бўлган, 1979 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 24 000 000 сўм.
4. "Газ-53К0-503" русумли, давлат рақами 01/542 ZBA бўлган, 1980 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 24 718 500 сўм.
5. "Кавз-3270" русумли, давлат рақами 01/539 ZBA бўлган, 1987 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 982 400 сўм.
6. "Газ-6611" русумли, давлат рақами 01/540 ZBA бўлган, 1988 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 816 600 сўм.
7. "Газ-53" русумли, давлат рақами 01/418 RBA бўлган, 1990 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 650 000 сўм.
8. "Газ-3102" русумли, давлат рақами 01/544 ZBA бўлган, 1998 йил ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 061 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 30 октябр кунини соат 11:00да бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 28 октябр кунини соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" АЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қўлидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамий кўчаси, 1-йи. 228-79-52. Гувоҳнома №001580.

Топшириш вақти: 13.00

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" АЖ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларида тақлиф этади.

Аукцион савдоларида қўлидаги давлат улушлари қўйилади.

1. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-4, Сўғдиёна кўчаси, 7а-йи манзилида жойлашган "Друпа-Дизайн" МЧЖ ҚҚ устав фондидаги 45,11 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи — 6 110 878 380 сўм;
Балансда сақловчи: "Друпа-Дизайн" МЧЖ ҚҚ.

2. Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Чашма кўчаси, 3-йи манзилида жойлашган "Тошкоммуналтаъминот" маъмулияти чекланган жамияти устав фондидаги 99,6 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи — 3 190 013 000 сўм;
Балансда сақловчи: "Тошкоммуналтаъминот" МЧЖ.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-йи. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

Аукцион савдоси 2015 йил 16 ноябрь кунини, соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолар 2015 йил 30 ноябрь, 15, 29 декабрь, 2016 йил 13, 27 январь, 10, 24 февраль, 10, 25 март, 8, 22 апрель, 6, 23 май кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кейинчи олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активини бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордан олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" АЖ "Poytaxt filiali")нинг қўлидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунини савдо бошланишидан уч соат олдин таъмин бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисида талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ёки почта бўйича қўлидаги ҳужжатлари илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-йи.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қўнун билан қўриқладиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 29 августдаги 152 к ПО-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг савдоларида қатнашиш 2015 йил 5 октябрда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активини

"Савдо тараққиёти" ДУК тасарруфидида, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли 3-тор кўчаси, 163-йи манзилида жойлашган, "Бинокор Абдуқодир" Унитар корхонаси (мол-мулклари ва бино-иншоотлари билан бирга), бошланғич баҳоси — 7 963 275 000 сўм, сотилиш баҳоси — 8 240 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

10-12, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра,

14 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шариқ турари, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида

14 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа мuddати ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.